# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 31 август, № 178 (8801) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ҲАЛОЛ МЕҲНАТ, ФИДОЙИЛИК ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ЭЪТИРОФИ

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан турли соҳалар вакиллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди.**





30 август куни Кўксаройда ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев барчани Мустақиллик байрами билан, йиғилганларни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан табриклади. Мамлакатимизда эришилаётган натижаларнинг асоси, саъй-ҳаракатларнинг моҳияти ҳақида юракдан сўзлади.

— Биз нима учун меҳнат қиляпмиз? Халқимиз тинч ва фаровон яшаши учун, фарзандларимизнинг бахту камоли учун. Инсон қадри деган ҳаракатни бошлаганмиз. Бу ҳаракатни, катта-катта мақсадларимизни жойларда ким амалга оширади? Сизларга ўхшаган фидойи, ватанпарвар, кучли инсонлар! Сизлар — қаҳрамонсизлар, ёшларимизга намунасизлар. Мен сизлар билан ғурурланаман ва халқимиз номидан раҳмат айтаман, — деди Президент.

Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Шаҳару қишлоқлар қиёфаси, барча соҳа ва тармоқлар тубдан ўзгармоқда. Иқтисодиёт, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳаларида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Буларнинг натижасини одамлар ўз ҳаётида кўрмоқда.

Мамлакатимиз катта тараққиёт йўлига чиқиб олганини дунё ҳам эътироф этяпти. Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир нечта резолюциялари қабул қилинди. Йирик сиёсий ва иқтисодий форумларда илгари сурилган кўплаб ташаббуслар халқаро жамоатчилик томонидан катта эътибор билан қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Узоқ ва яқин давлатлар билан савдо-иқтисодий, туризм ва инвестиция, маданий-гуманитар соҳаларда фойдали битимлар имзоланди. Юртимизда халқаро даражадаги нуфузли анжуманлар бўлиб ўтди. Санъат ва маданият фестиваллари, Олимпия ўйинларидаги тарихий ғалаба ҳам улкан эътирофларга сазовор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, бунёдкор халқ, бағрикенг миллат сифатида жаҳон майдонига чиқдик.

Давлатимиз раҳбари буларнинг барчаси халқимиз ютуғи эканини таъкидлади.

— Меҳнаткаш, фидойи юртдошларимизни мен ўзимнинг энг яқин қадрдонларим, садоқатли сафдошларим деб биламан, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бугун Ватанимизга жонкуяр, ўзини эл-юрт тақдирига дахлдор деб биладиган инсонлар янада кўпроқ керак. Бошқаларни, айниқса, ёшларимизни ортидан эргаштира оладиган, эртанги кунга ишонтирадиган, жамиятни бирлаштирадиган одамлар керак. Чунки эл ишончи, халқ бирлиги ва аҳиллиги кўзлаган марраларимизга эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Учрашувда бугун дунёдаги вазият, унда оқилона йўл топиш машаққати ҳақида ҳам сўз юритилди. Шиддат билан ўзгараётган давр мамлакатлар, халқлар, инсонлар олдига янги-янги масалаларни қўймоқда. Бутун дунёда рақобат, эртанги кун учун кураш кетяпти. Шунга тайёр миллат, шунга тайёр халқгина Ватани ва давлатини муносиб ўринга кўтара олади.

Келажакда глобал дунёда Ўзбекистоннинг ўрни қандай бўлади? Биз ўз меҳнатимиз, билимимиз, дунёқарашимиз билан эл-юртга қанчалик наф бера оляпмиз? Бу саволлар ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Мустақиллик бизга чинакам қадр-қиммат, инсоний ғурур туйғусини берди. Шу билан бирга, мустақиллик — бу, аввало, масъулият degani. Ўз тақдири, ўз келажагини ўзи белгилаш, обод ва озод Ватан қуриш масъулияти.

Бугунги ютуқлар биз учун чегара эмас. Халқимиз бундан-да яхши яшашга муносиб, катта ишларга қодир. Агар ҳаммамиз “бир мушт” бўлиб, ўз вазифамизни виждонан бажарсак, ислоҳотларда томошабин эмас, фаол иштирокчи бўлсак, кўзланган мақсадларга албатта етамиз. Бунинг учун бизда шароит, имконият, куч-қудрат, салоҳият етарли экани таъкидланди.

Президент жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган ватандошларимизни ҳам табриклади.

— Мукофот аслида нима? Мукофот — бу, аввало, инсон қадрини улуғлаш degani. Одамнинг меҳнати қадр топса, давлат ва жамият томонидан эътироф этилса, бундан унинг ўзи, оиласи, дўстлари, маҳалла-кўй, қолаверса, эл-юрт ҳам хурсанд бўлади. Бизнинг мақсадимиз ҳам шу: ҳалол ва самарали ишлаётган одамларни қадрлаш, иззат-икром кўрсатиш, — деди давлат раҳбари.

Шундан сўнг мукофотланганларга фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

— Яхши ишлаган одам қадр топади. Бугун ҳалол меҳнат, фидойилик ва ватанпарварлик яна бир марта қадр топаётган кун. Бугунги юксак унвонлар, орден ва медаллар сизларни янги зафарларга чорласин. Юртимизда бундай инсонлар қанча кўп бўлса, мен ҳам мукофотлашдан чарчамайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, халқимизга эзгу тилаклар билдирди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 август куни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Беларусь Президентини юбилей билан самимий қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва катта ютуқлар, дўст Беларусь халқига фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўз навбатида, Беларусь Президенти Ўзбекистон раҳбари ва кўп миллатли халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, тинчлик, барқарор тараққиёт ва ривожланиш тилади.

Суҳбат давомида жорий йилнинг 7 — 9 февраль кунлари Беларусь Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида эришилган келишувларни қабул қилинган «Йўл харитаси»га мувофиқ амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова бошчилигидаги делегациянинг яқинда мамлакатимизга қилган ташрифининг самарали натижалари юқори баҳоланди.

Саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни тезлаштириш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг ўттиз уч йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон**ни имзолади.*

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **522** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **159** нафари асосий жазодан озод этилди, **303** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **60** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди.

Афв этилганларнинг **19** нафарини чет эл фуқаролари, **56** нафарини аёл, **25** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **233** нафарини ёшлар (шулардан, **1** нафари вояга етмаган) ҳамда **27** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 27 августда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 28 августда
маъқулланган

**1-модда.** «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор» фахрий унвони таъсис этилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Давлат мукофотлари тўғрисида»**ги 176–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда, № 5, 299, 300-моддалар, № 6, 334-модда, № 12, 688-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 790-модда) **7-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:



(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик — тақдиримизда

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## ПАРЛАМЕНТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАМ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

**Нуриддин ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери**

*Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олмоқда. Ушбу қутлуғ сана **“Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!”** деган бош ғоя асосида кенг нишонланмоқда. Бу ғоянинг замирида чуқур маъно бор. Зеро, барча соҳада амалга оширилаётган кўламдор ислоҳотлар халқимизни Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлида янада бирлаштирди.*

Бугун Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, иқтисодий юксалиш ва улкан ислоҳотлар мамлакатига айланди. Президентимиз бошчилигида юртимиз ҳаётида янги давр, янги саҳифалар очилди. Аҳоли турмуш даражаси янада юксалиб, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб бормоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасидан халқимиз баҳраманд бўляпти. Янгиланишларни ўз ҳаётида, кундалик турмушида ҳис қилмоқда.

Эътиборга молик жиҳати, Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришларга халқаро ҳамжамият, нуфузли халқаро молиявий-сиёсий ташкилотлар, сиёсатчилар ўзининг холис ва ижобий баҳосини бермоқда. Боиси мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш каби мақсадлар ҳамда аниқ амалий ишлар давлатимиз раҳбарининг серқирра фаолияти мазмун-моҳиятига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги томонидан мамлакатимизнинг бугунги янги қиёфасини яратувчи, янги Ўзбекистоннинг меъмори сифатида эътироф этилмоқда.

3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

қуйидаги мазмундаги **ўттизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор»;

**ўттизинчи – ўттиз олтинчи хатбошилар** тегишинча **ўттиз биринчи – ўттиз еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»**ги 226–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 64-модда; 1997 йил, № 2, 64-модда; 1998 йил, № 5–6, 114-модда, № 9, 164-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 688-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **1-модда:**

қуйидаги мазмундаги **ўттизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор»;

**ўттизинчи – ўттиз олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўттиз биринчи – ўттиз еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»** фахрий унвони тўғрисидаги **матндан** кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор»** фахрий унвони бизнеснинг янги, юқори даромадли йўналишларини йўлга қўйган, соҳага инновацияларни кенг жорий қилиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, шунингдек фаолиятида давлат органлари билан ҳамкорликни амалга ошириб, ижтимоий лойиҳалардаги фаоллиги билан бошқаларга намуна бўлаётган, бизнес юритишда катта тажрибага эга бўлган, илғор ва ташаббускор тадбиркорлик субъектлари раҳбарларига ҳамда таъсисчиларига берилади»;

3) **Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»** фахрий унвонининг кўкрак нишонига оид тавсиф матнидан кейин қуйидаги мазмундаги **матн** билан тўлдирилсин:

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг юз томонида, Ўзбекистон Республикасининг географик харитаси ҳамда қуёш нурлари фонида тадбиркорликнинг жадал ривожланиши ва унинг мамлакатимиз тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасини акс эттирувчи иқтисодий ўсиш белгиси ва тангалар акс эттирилган.

Нишоннинг айланаси бўйлаб пастки ўнг қисмида дафна новдаси ва юқори қисмида «XIZMAT KO'RSATGAN TADBIRKOR» ёзуви жойлашган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Нишоннинг юз ва орқа томонлари чеккалари қабариқ ҳошия билан ўралган.

Кўкрак нишонининг ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

Қадағичнинг бўйи 16 миллиметр, эни 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида нишонни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич тарзидаги мослама мавжуд».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 30 август
№ ЎРҚ—952

Ифтихор

# АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

*Истиқлол туфайли халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди, Ватанимиз тарихида янги саҳифа очилди. Тарихан қисқа вақт давомида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар кўлами жуда кенг. Уларнинг самарасини бугун ҳар биримиз ўз ҳаётимизда ҳис этмоқдамиз.*



Биргина илм-фан ривожи, ёш иқтидорлар камолоти, навқирон авлодга берилаётган эътибор ҳақида узоқ гапириш мумкин. Ҳақиқат қиёсларда билинади. Масалан, бугунги кунда халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларига пул мукофоти тақдим этилади. Авваллари бундай рағбат бўлмаган.

Яна бир мисол. Истиқлолгача фан номзоди, фан доктори илмий унвонларини олиш Москвада қанчадан-қанча бюрократик тўсиқлардан ўтиб, минг машаққат билан ҳал этиларди. Диссертациялар Москвадаги Олий аттестация комиссиясига юбориларди. Иттифоқдаги илмий марказларни айланиб, улардан қандайдир тасдиқ олмагунча илмий иш ҳимояси бўлмасди. Олимларимизда чет элларда ўтказиладиган илмий анжуманларда қатнашиш имкони бор эди, лекин бунинг учун Москвага бориб, тегишли ташкилотда суҳбатдан, чиғириқдан ўтиш талаб этиларди. Улар рухсат берса, ундан кейин иттифоқ Фанлар академияси рухсат берарди. Бугунчи? Олимларимизнинг чет элларга чиқиб, нафақат илмий анжуманларда иштирок этиши, балки халқаро илмий марказларда билим ва тажрибасини бойитиши оддий ҳолга айланиб қолди. Бунга, албатта, мустақиллик туфайли эришилди.

Яқин-яқингача таълим, илм-фан соҳаси вакилларининг мажбурий меҳнатга, пахта йиғим-теримига жалб қилингани ҳеч кимга сир эмас. Бугун бундай номақбул ишларга бутунлай барҳам берилди. Ахир кунбўйи қуёш тиғида жизғанак бўлиб, эгатларда чанг ютган олимдан қандай қилиб улуғ ғоялар чиқиши мумкин?!

Истиқлол фарзандлари — дунёдаги энг бахтли ёшлар, десак, муболаға эмас. Қаранг, улар бугун эмин-эркин, эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришга интилиб, эртанги кунга ишонч билан қадам ташламоқда. Ёшларга ҳамма шарт-шароит муҳайё. Биз буни фақат орзу қилардик.

Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, юртимизда кейинги 7-8 йилда катта ўзгаришлар бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таълимга, илмга эътибор беришни асосий мақсад қилиб қўйди.

Сир эмаски, Фанлар академиясининг кўп институтлари ёпилиб кетганди, бизнинг Математика институти Ўзбекистон Миллий университети тасарруфига ўтказиб юборилганди.

Давлатимиз раҳбари 2016 йил 30 декабрь куни илм-фан вакиллари билан учрашувда бугунги замон барча соҳа қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилаётгани, зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин эканини таъкидлаб ўтди.

Президентимизнинг 2019 ва 2020 йиллардаги қарорлари асосида институтимиз жамоасининг математика фанини ривожлантиришга, илм-фан ва таълим интеграциясини мустаҳкамлашга, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ва Ватанимиз математика мактабларининг ютуқларини тарғиб қилишга йўналтирилган фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Институтимиз эски, таъмирталаб бинода иш юритиб келаётган эди. 2020 йилда Олмазор туманидаги Талабалар шаҳарчаси ҳудудида янги бино қуриб берилди. Бугунги кунда институтимиз янги биносида 7 та илмий лаборатория, "Ёш математиклар" маркази, ахборот-ресурс маркази, семинар хоналари, академик ва тадқиқотчилар учун кабинетлар, кутубхона, мажлислар зали жойлашган. Қорақалпоқ давлат университети, Урганч, Самарқанд, Бухоро ва Наманган давлат университетларида институтимизнинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Натижада вилоятлардаги олимларимизга илмий иш олиб боришга яхши шароит яратилди ва ёш иқтидорли математикларни тайёрлаш имконияти кенгайди.

Олимларга бўлаётган бундай эътибор ўғил-қизларимизда илм олишга қизиқишни оширди. Ҳозир институтимизда ёшлар жуда кўп. 52 нафар таянч докторант бор. Шу ўринда математика фанининг роли ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт, биология, рақамли иқтисодиёт ва бошқа кўплаб соҳаларда тобора ортиб бораётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Заминимиздан етишиб чиққан қанчадан-қанча улуғ мутафаккирлар, алломалар дунё илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган. Биринчи ва иккинчи Ренессанс даврини ёдга олайлик. Ўша пайтдаги улуғ алломалар генлари кейинги асрлар давомида халқимизнинг жисму жонида сақланиб қолган эди. Аммо мустақилликкача халқимизда буюк аждодларимиз ҳақида маълумотлар ва уларнинг генларини юзага чиқариш учун муҳит ва шароит бўлмаган. Истиқлол бизга буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари сифатида учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш имконини берди.

**Шавкат АЮПОВ,**
**Фанлар академияси Математика институти директори, академик, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ПЎЛАТДАЙ МУСТАҲКАМ ИРОДА ВА МАТОНАТ ИФОДАСИ

*Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб барчамиз учун энг улуғ ва азиз шодиёна саналган Мустақиллик байрами руҳи кезмоқда. Қутлуғ айём арафасида қатор соҳа вакиллари фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлангани уларга муносиб байрам совғаси бўлди.*

*Жумладан, Президентимизнинг "Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Олимпиада мусобақаларида ғалабага эришган спортчи ва мураббийлар тақдирланди.*

*Куни кеча давлатимиз раҳбари ёзги Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари билан учрашиб, ушбу мукофотларни ўз эгаларига топширди.*

*Мухбиримиз тақдирланган юртдошларимизнинг айримларидан дил сўзларини ёзиб олди.*

## Дил сўзи

**Нелля КИЯМОВА, дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони соҳиби:**



— Инсон қайси соҳа ёки ишга бутун умрини, кучини, салоҳиятини сарфласа, кун келиб қилинган ҳаракатлар, меҳнатлар, албатта, ўз мевасини беради. Спортчиларимизнинг Парижда ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларидаги зафарлари сўзимиз исботи.

Ўзбек спортини бугун жаҳон аҳли тан олмоқда, эътироф этмоқда. Табиийки, бунинг замирида юртимизда спортга берилаётган эътибор, ёш спортчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган қулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар мужассам. Юртбошимиз ҳар бир спортчининг бошини силаб, оталарча меҳр кўрсатаётгани, айниқса, Олимпиада кунлари уларнинг ғалабасидан қувониб, биринчилардан бўлиб қутлагани ҳам ёш атлетларимиз қалбида ишонч ҳиссини ошириб, зиммасига катта масъулият юклагани рост.

Жаҳон таниётган шогирдларинг ёнида тенгма-тенг тилга олиниш, мукофотланиш, раҳмат эшитишнинг гашти бўлакча. Бир пайтлар уларга спорт сирларини ўргатаётиб ана шундай кунлар келиши ҳақида хаёл сурганмиз, орзу қилганмиз. Шукрки, бу орзулар бугун рўёбга чиқди. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" унвони билан тақдирланишим юксак ишонч ифодаси, келажакдаги янги ютуқларимизга рағбат, деб биламан ва меҳнатдан толмайман.

**Ҳасанбой ДЎСМАТОВ, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби:**



— Франциядаги нуфузли спорт мусобақасида бокс бўйича миллий терма жамоамиз олтин медаллар сони бўйича Ватанимиз тарихида Олимпия ўйинлари рекордини янгилади ва умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Эътибор беринг: эркаклар ўртасида 7 та олтин медалнинг 5 тасини боксчиларимиз олди. Европанинг қоқ марказида Ўзбекистон мадҳияси 8 марта янграб, мамлакатимиз байроғи 13 марта юксакка кўтарилди. Бу катта натижа. Тарихий ғалабага ўз ҳиссамни қўшганимдан фахрланаман.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ юксак мукофот билан тақдирландим. Маросимда Юртбошимизнинг "Сизлар эришган ёрқин ғалабалар энг улуғ ва қадрли байрамимизга муносиб совға бўлди. Сизларнинг қаҳрамонлигингиз ёшларимизга, чекка жойлардаги спортсевар болаларга куч-қудрат берди. Бутун халқимизни ғурурлантирди, янада бирлаштирди. Шараф сизларга, раҳмат сизларга!" деган сўзлари қалбларимизни тўлқинлантириб юборди.

Халқнинг дуосини олиш, элнинг ҳурматига сазовор бўлиш аслида энг катта мукофот. Бугун биз ҳар бир инсон эъзозланадиган юртда яшамоқдамиз, қизиққан соҳамиз билан шуғулланишимиз учун барча шароит етарли. Биз, спортчилар берилаётган юксак эътиборга муносиб бўлиш, янада улкан марралар сари интилишда давом этамиз.

**Диёра КЕЛДИЁРОВА, дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби:**



— 2024 йил спортимиз тарихига туб бурилиш нуқтаси ўлароқ кирди, кўзга ярқ этиб ташланадиган натижаларга эришдик, ғалабаларимиз ҳақиқатда ёдда қоларли бўлди. Париж Олимпиадасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари қайд этган ғалабалар ҳаяжони, шукуҳи ҳамон қалбларимизни тарк этгани йўқ.

Биз чин маънодаги бахтиёр ёшлармиз, чунки орқамизда бизга ҳамиша ишонадиган, суянадиган, йиқилсак, елка тутадиган, зафар қучсак, биз билан бирга кўзи ёшланиб, кўксида фахр туядиган халқимиз, устозларимиз, дўсту биродарларимиз бор. Буни сезиб туришнинг ўзиёқ одамга куч бағишлайди.

Юртимизда ҳар кун байрам, ҳар кун шодиёна. Бу кунларга шундай улкан натижалар, музаффарлик билан етганимиз эса унинг қадр-қимматини янада оширади, албатта. Юртбошимиз бир гуруҳ спортчилар ва устозларимизни мукофотлар билан тақдирлаганидан хабар топиб, хонадону кўчамизда яна байрам бошланди, кўксимиз фахрга тўлди.

Куни кеча юксак мукофотларни давлатимиз раҳбаридан қабул қилиб олганимиз шодлигимизга шодлик қўшди. Жонажон юртимнинг ифтихори бўлиш насиб этгани — менинг бахтим! Бу ютуқлар бошланиши, ҳали олдимизга қўйган мақсадларимиз кўп ва уларга, албатта, эришамиз.

**Элёр ҲАЙДАРОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

# ЮРТСЕВАР АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

*Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси... Бу масканда ўзига хос сокинлик ҳукмрон. Бу ерга келган инсоннинг қароқларида беихтиёр қалқиган ёш Бўзсувда жилва қилаётган қуёш нурларига қўшилади, дилида алланечук ҳислар туғён ура бошлайди. Қадамлар секинлашади, кўзлар намланади, юракда бир оғриқ қўзғалади. Ва гўё шу лаҳзада қалбни "Муножот" мунгидек оғир бир оҳанг эгаллайди.*



Хиёбонда эл-юртимиз озодлиги, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини ҳимоя қилиш йўлида жонини тиккан, мустамлакачиликка қарши машаққатли курашларда қурбон бўлган аждодларимиз руҳи кезиб юргандек...

Дарҳақиқат, бугунги авлодлар Ватанимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида жон фидо қилган инсонлар хотирасини ҳеч қачон унутмайди. Ана шу эзгу йўлда мамлакатимизда "31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни", дея эълон қилингани айни муддаодир.

Бугун ушбу гўшада қад ростлаган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ва Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи пойтахтимизнинг энг гавжум зиёратгоҳларидан бирига айланган.

Музейларни бежиз тарих, маънавият ва санъат хазинаси, дея таърифлашмайди. Уларда турли-туман ноёб ва қимматбаҳо ашёлар жамланганки, халқнинг ўтмиши акс этган бу экспозициялар бизни аждодлар ҳаёти, кураши ва бой мероси билан таништиради. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи истиқлол ғояларига асосланган ана шундай маънавият ва маърифат масканларидан биридир.

Миллий меъморий анъаналар асосида барпо этилган музейга киришингиз биланоқ Чор ва шўро мустамлакачилиги даврининг фожиали манзаралари кўз олдингизда гавдалана бошлайди.

Ушбу музей учта залга бўлинган бўлиб, у ерда турли тарихий хотиралар акс эттирилган. Музейнинг биринчи залида Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши, унга қарши кўтарилган халқ қўзғолонларидан тортиб ўтган асрнинг 30-йиллари бошида рўй берган сиёсий қатағон тафсилотлари билан танишиш мумкин.

Иккинчи залдаги экспозициялар эса 1937-1938, 1940 — 1950 йиллардаги сиёсий қатағонлар ҳамда 80-йиллардаги "пахта иши" ҳақида ҳикоя қилса, учинчи зал бугунги дориламон кунларгача бўлган давр, мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асрабавайлаш йўлида амалга оширилган оламшумул ишларга бағишланган.

Музей замонавий усулда барпо этилган бўлиб, энг янги техника воситалари билан жиҳозланган. Томошабинлар мультимедиа-ахборот базаси ва телеэкранлардан фойдаланади. Уларга музей экспозицияларига оид ахборот базаси ва видеороликлар жойлаштирилган.

Мустабид тузум йилларида қатағонга учраган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий ижодий меросини чуқур ўрганиш халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида аждодларимиз руҳига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик туйғуларини уйғотиши муқаррар.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қанчадан-қанча қаҳрамон боболаримиз номлари тикланди. Ўзбекистон Олий суди томонидан қатағонга учраган юзлаб ватандошларимиз оқлангани ҳам сўзимиз исботидир. Шунингдек, жадид боболаримиз номида музей ва мактаблар ташкил этилди, китоблари қайта чоп қилинмоқда. Уларнинг ҳаёти ва асарларини телевидение, ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга етказиш, мактаб дарсларида бу мавзуга кенг ўрин бериш зарурлиги такрор ва такрор таъкидланмоқда.

Хўш, бу ишлар нима учун қилинмоқда? Масалан, нега Тошкент марказида Абдулла Қодирий мактаби қурилиб, ҳайкали ўрнатилди? Албатта, адабиётимизнинг йирик вакили бўлган бу инсонни ёш авлод билиши, асарларини ўрганиши, "Мен кимларнинг авлодиман?" деган саволга аниқ жавоб топиши учун. Тарихни билиши, ўзлигини англаши, фахр билан элу юрт хизматига бел боғлаши учун!

Ўз аждодлари ва тарихини яхши билган халқ бугунги дориламон, тинч ва фароҳли кунларни қадрлайди, ён-атрофидагилар, яқинлари, фарзандларига бефарқ бўлмайди. Чунки инсоннинг энг катта душмани бу лоқайдлик, бефарқликдир. Шундай экан, бугун ҳар бир одам, жумладан, биз ҳам аждодларимизга муносиб ворис бўлиш, улар орзу қилган мустақиллик неъматини асраб-авайлаш улуғ бурчимиздир.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

**Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида янгидан барпо этилган «Зарчоб-1 А» кичик ГЭС фойдаланишга топширилди.**

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## ПАРЛАМЕНТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАМ НАМОЁН БЎЛМОҚДА



1

### Тараққиётимизнинг янги стратегик йўли

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган аниқ ва чуқур ўйланган стратегик ислоҳотлар самараси парламент ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Парламент барқарор тараққиётни таъминлашга, демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ва парламентимиз ҳаётида очилган янги истиқболлар ҳақида гап кетганда, аввало, Асосий Қонунимизни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган кенг қамровли конституциявий ислоҳотларни алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирда янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган устувор принциплар асосида давлат органлари фаолияти янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви, суд ҳокимияти органлари ўз фаолиятини янги Конституция талаблари асосида олиб бормоқда. Аҳоли ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этмоқда. Қонунчилик базаси янги таҳрирдаги Конституцияга тезкор ва сифатли тарзда мувофиқлаштирилмоқда.

### Халқчил қонунлар қабул қилишнинг самарали тизими

Янги таҳрирдаги Конституция қонун ижодкорлиги фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Бош қомусимизга асосан Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган янги институтлар амалиётга татбиқ этилди.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини ошириш, миллий қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституция талаблари асосида такомиллаштириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини янада кенгайтириш, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Қонун ижодкорлиги бўйича миллий фаолият дастури ишлаб чиқилиб, парламент томонидан тасдиқланди.

Президентимизнинг 2024 йил 19 февралда қабул қилинган “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қонун ижодкорлиги жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш, давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг масъулияти кучайтирилди. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”-ги, янги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг аниқ тартиби ва механизмлари белгиланди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўрилаётганда, қоида тариқасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили маъруза билан чиқиши ва лойиҳани ҳимоя қилиши тўғрисидаги қоида белгиланди.

Ушбу амалиётнинг жорий этилиши ташаббускор идоранинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича масъулиятини ошириш, лойиҳалар сифатини яхшилаш, субъектларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаоллигини янада кучайтирмоқда.

Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳаларининг шакли ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби такомиллаштирилди. Уларда ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига содда тилда тушунтиришга қаратилган муқаддимани акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

Янги таҳрирдаги қонун ҳужжатини эмас, балки янги қонунни қабул қилиш ва бир вақтнинг ўзида амалдагисини ўз кучини йўқотган деб топиш амалиёти қўлланилмоқда. “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, “Расмий статистика тўғрисида”, “Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”, “Судлар тўғрисида”ги қонунлар ана шундай амалиётнинг маҳсулларидир.

Тўғридан-тўғри амал қиладиган, яъни ижро учун қонуности ҳужжати ишлаб чиқилиши талаб этилмайдиган қонунларни қабул қилишга эътибор кучайтирилди. “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги ислоҳотлар, ўз навбатида, парламентнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти кўламини кенгайтирмоқда. Аввалги йиллар билан қиёслаганда бугунги кунда Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги юкламаси сезиларли даражада ошди. Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қуйи палатага **48** та қонун лойиҳасини киритган бўлса, жорий йилнинг мос даврида бу кўрсаткич **81** тани ташкил этиб, **1,7** баробар ўсди.

Таҳлилларга кўра, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар сони ҳам аввалги йиллардагига қараганда кўпайди. Масалан, 2015 — 2019 йилларда қуйи палата қабул қилиб, Сенатга юборган қонунлар сони **229** тани ташкил этган бўлса, бу рақам жорий чақириқда *(2024 йил 1 июль ҳолатига)* **404** тага етди.

Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари орасида ҳажм жиҳатдан катта бўлган, бутун бир соҳани тартибга соладиган яхлит қонунлар, кодекслар салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодекси, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”, “Электр энергетикаси тўғрисида”, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”, “Йўл ҳаракати тўғрисида”, “Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда депутатлар корпусининг ҳам қонун ижодкорлиги фаолияти сезиларли равишда самарали кечмоқда. Халқ ноиблари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан унумли фойдаланмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида депутатлар томонидан **6** та қонун лойиҳаси ташаббус қилинган бўлса, жорий йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич **2,6** бараварга ошиб, халқ вакилларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида жами **16** та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилди.

Ўз навбатида, депутатларнинг қонунлар сифатига бўлган талаби кучайди. Лойиҳаларни кўпроқ сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталарда муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу қонун лойиҳаларини ташаббускор субъект вакиллари, мутасадди идоралар мутахассислари ва экспертлар иштирокида ҳар томонлама кўриб чиққан ҳолда маромига етказиш имконини бермоқда.

Ўтган даврда сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги талабчанлиги ортди. Фракциялараро рақобат кучайди. Фракциялар қонун лойиҳаларида ўз нуқтаи назарларини, қатъий ёндашувларини намоён этмоқда. Натижада биргина жорий йилнинг олти ойида **3 та** қонун лойиҳаси қайта ишланиш ва нормаларни янада такомиллаштириш учун масъул қўмитага қайтарилди, **6 та** қонун лойиҳаси рад этилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига юборилди, **2 та** қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан чақириб олинди, қўмиталар ва фракциялардаги муҳокамалар асосида ўнга яқин қонун лойиҳаларининг матни алмаштирилди.

Кейинги йилларда парламентда кўплаб ҳаётий зарур қонунларнинг қабул қилиниши амалиётда тезда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Масалан, 2024 йил 1 февраль куни қабул қилинган “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонун билан педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, улар фаолиятининг асосий кафолатлари, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш принциплари белгиланди. Ўқитувчиларни ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақиқланди. Педагог ходимларнинг давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида мажбурий тиббий кўрикдан бепул ўтиши кўзда тутилди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун билан ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум қилинган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши белгилаб қўйилди.

“Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун билан ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқни, шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф қилишнинг аниқ тартиби белгиланди.

Кўпчилик кутаётган ва миллионлаб оилаларнинг ҳаётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқи узоқ йиллар мобайнида одамларни қийнаб келган уй-жойга эга бўлиш борасидаги долзарб муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишга хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун билан кредит олувчилар учун қўшимча қулайликлар яратилди, аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.

### Жамоатчилик муҳокамаси мукаммалликка йўл очади

“Халқ — қонунларнинг том маънода ягона манбаи ва муаллифи ҳисобланади” тамойили асосида қонун ижодкорлиги фаолиятига жамоатчиликни кенг жалб қилиш, кўриб чиқилаётган лойиҳалар юзасидан аҳоли ўртасида очиқ муҳокамалар ўтказишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини ҳамда ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга, энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини оширишга, қурилишлар сифати устидан назоратни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари юзасидан жойларда жамоатчилик муҳокамалари ўтказилди. Асослантирилган таклифлар асосида қонун лойиҳаларига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янада такомиллаштирилди.

Масалан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш ва улардан самарали фойдаланиш тартибини белгиловчи қонун лойиҳасидаги боғ ва токзор қатор ораларига мақбул экинлар экиш ҳақидаги императив норма диспозитив нормага айлантирилди.

Фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари асосида “Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузишга оид жарима миқдорлари кескин камайтирилди.

Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти (parliament.gov.uz)га жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган бола ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳаси бўйича жамоатчиликдан **6,5 мингга** яқин фикр-мулоҳаза ва таклифлар келиб тушди.

Умуман олганда, қонун ижодкорлиги фаолияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан янада тараққий эттириш, ривожланган демократик давлат қуриш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг кафолатларини таъминлашга қаратилди.

### Ваколатлар кенгайиб, назорат функцияси кучаймоқда

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш бўйича Қонунчилик палатасига аниқ ваколатлар белгиланди. Бу эса депутатлар корпуси фаолиятига янгича мазмун-моҳият олиб кирди.

Қонунчилик палатаси қўмиталарига Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботлари ва давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, парламент текшируви Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида тузиладиган биргаликдаги махсус комиссия томонидан ўтказилиши белгиланди.

Ўтган даврда Қонунчилик палатасининг парламент назорати йўналишидаги фаолияти жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим соҳаларини назорат қилишга йўналтирилди. Ҳукуматнинг давлат дастури ва Давлат бюджети бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботлари атрофлича кўриб борилди.

Сиёсий партиялар фракцияларининг парламент назоратининг таъсирчан шаклларидан фойдаланиш борасидаги ташаббускорлиги ошгани электорат манфаатларини кўпроқ ифода этиш, сайловчиларни ўйлантириб келаётган масалаларни парламент даражасида олиб чиқиб, ҳал қилишга шароит яратди.

Фракциялар ташаббуси билан шу йилнинг ўтган олти ойида Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзолари, давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахбороти 17 маротаба эшитилди, мансабдор шахсларга 8 та парламент сўрови ҳамда 90 та депутат сўрови юборилди, 4 маротаба “Ҳукумат соати” ўтказилди.

Ушбу парламент назорати тадбирлари давомида тегишли соҳани ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, мансабдор шахслар ишига танқидий баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилгани уларнинг масъулиятини кучайтириб, фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пировардида, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятидан розилигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Қонунчилик палатасининг назорат фаолиятини амалга оширишда унинг қўмиталари муҳим ўрин тутади. Қўмиталар давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга, қонунларнинг ижро этилиш ҳолатини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг тадбирларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида қўмиталар томонидан 69 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги ҳамда “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қатор қонунларнинг ижро этилиш ҳолати ҳудудларга чиққан ҳолда назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

### Халқ вакиллари — сайлов округларида

Аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, жамиятдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳал қилиш масаласи депутатлар корпуси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шу маънода, халқ вакиллари фаолиятида сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган тамойил устуворлик касб этди.

Ҳозирда депутатлар ҳар ойнинг охирги ҳафтасини ўз сайлов округида ўтказмоқда. Халқ ноиблари аҳоли хонадонлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектларига бориб, фуқаролар, тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари ва ёшлар билан юзма-юз мулоқот қилмоқда.

Жорий йилнинг олти ойида округларда олиб борилган фаолият давомида жами 7 365 та объектга, жумладан, 2 450 та хонадонга ташриф буюрилиб, 2 513 та учрашув ўтказилди. Уларда 54 мингдан зиёд фуқаролар, хусусан, 4 385 нафар тадбиркор билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди.

Президентимиз раислигида муҳим соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган асосий устувор йўналишлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселекторларда белгилаб берилган топшириқлар ҳамда вазифаларнинг мазмуни ва аҳамиятини депутатлар жойларга чиқиб тушунтирмоқда ва бу борада жамоатчилик назоратини олиб бормоқда.

Депутатлар ҳудудларга чиқиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган барча ер участкалари бўйича ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ерни захирага қайтариш чораларини кўриш бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича туманлар, шаҳарлар кесимида чораклик мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилиб, уларнинг маҳаллий Кенгашларда муҳокамадан ўтказилиши ва ҳудудий (манзилли) дастурларнинг қабул қилиниши ҳолати таҳлил этилди.

Депутатлар ўз ҳудудидаги Халқ қабулхоналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда, фуқароларнинг қабулларини ўтказди. Уларда 7 939 нафар фуқаро иштирок этди. Мазкур қабулларга ҳудудлардан Қонунчилик палатасига мурожаат йўллаган фуқаролар ҳам таклиф қилинди. Аҳоли кўтарган муаммоларни маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда жойида ҳал этиш чоралари кўрилди.

Жойларда аниқланган муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини топиш мақсадида депутатлар ташаббуси билан биргина шу йилнинг олти ойида **16 та** қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига киритилди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш бўйича Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон тажрибаларини оммалаштириш борасидаги ишларнинг ҳолати доимий равишда ўрганиб борилмоқда. Ўрганишлар якунларини маҳаллий Кенгашларда ҳокимлар, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, қуйи палата депутатлари корпусининг маҳаллий Кенгашлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлади.

### Мурожаатлар доимий эътиборда

Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик янгиланишлар самараси ўлароқ, аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалмоқда ҳамда ислоҳотларга бўлган дахлдорлик ҳисси ортмоқда. Бу фуқароларнинг парламентга йўлланган мурожаатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатасига келиб тушган мурожаатлар орасида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Масалан, 2017 йилда Қонунчилик палатасига жисмоний ва юридик шахслардан қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир жами **147 та** таклиф келиб тушган бўлса, мазкур рақам жорий йил биринчи ярим йиллигининг ўзида **207 тани** ташкил этди.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири — давлат органлари ва халқ ўртасида йиллар давомида муқим турган деворлар олиб ташланиб, одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, фикр-мулоҳаза ва таклифларини эшитиш тизими яратилганидир. Бугун бу тизим ҳар бир давлат органи ва идораси фаолиятининг ажралмас қисмига айланди.

Жумладан, қонунлар ёки қонун лойиҳалари юзасидан таклиф билдирган фуқаролар билан Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан ўзаро яқин алоқа ўрнатилган. Таклиф берган фуқаролар билан учрашувлар ташкил этиляпти, уларнинг таклифлари атрофлича кўриб чиқилиб, айримларидан қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида фойдаланилмоқда. Масалан, ўтган даврда Фарғона вилоятидан фуқаро М. Тожимаматова ҳамда Тошкент шаҳридан фуқаролар Д. Қаҳҳоров, И. Расулов ва Х. Қурбонова томонидан қонунчиликка оид билдирилган таклифлар таҳсинга сазовордир.

### Қуйи палата фаолиятида ёшларнинг ўрни

Ёшларга оид давлат сиёсати парламент фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Ёшлар масалалари бўйича комиссия фаолиятининг асосий мазмуни йигит-қизлар билан ишлаш, қизиқиш ва интилишларини ўрганган ҳолда норма ижодкорлиги жараёнига уларни жалб этиш ва қабул қилинаётган қонунларни навқирон авлод орасида кенг тарғиб этиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан **20** дан зиёд қонун лойиҳалари юзасидан жами **60** дан ортиқ асослантирилган таклифлар тайёрланиб, кўриб чиқиш учун масъул қўмиталарга тақдим этилди.

Давлат дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида Қонунчилик палатасида 5 марта “Очиқ эшиклар куни” ва унинг доирасида қуйи палата раҳбарияти ва депутатлар билан ёшларнинг 19 та учрашуви ташкил этилди. Уларда қуйи палата, сиёсий партиялар фракциялари ҳамда қўмиталарнинг иш фаолияти, қонунларни қабул қилиш жараёни ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Жойларда “Фракция ва ёшлар”, “Депутат ва ёшлар”нинг тўғридан-тўғри мулоқотини ўтказиш орқали йигит-қизларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда, уларни ўйлантириб келаётган долзарб масалаларни ҳал этишга парламент аъзолари томонидан устувор аҳамият қаратилмоқда.

### Очиқлик ва шаффофлик — бош мезон

Кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда парламент фаолиятида ҳам очиқлик ва шаффофлик бош мезонга айланди.

Жумладан, ижтимоий тармоқларда ҳамда “YouTube” видеохостингида очилган “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси” номли саҳифалар орқали қуйи палатанинг аксарият мажлисларини, “Ҳукумат соати” тадбирларини тўғридан-тўғри ёритиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса халқимиз, кенг жамоатчиликнинг қуйи палатада қонун лойиҳаларини муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнига бўлган қизиқишини янада оширди.

Мажлислар жонли ёритилиши натижасида жамоатчилик томонидан палатада кўрилаётган масалалар юзасидан кўплаб фикрлар, таклифлар билдирилмоқда. Мазкур таклифлар эътиборсиз қолмаяпти. Улар масъул қўмиталар депутатлари, ишчи гуруҳлар ва мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб борилмоқда, асосли таклифлар қонун лойиҳаларини маромига етказишда инобатга олинмоқда.

Бугунги кунда ахборот майдонида Қонунчилик палатаси аъзоларининг фаоллиги сезиларли даражада ошди. Хусусан, депутатлар ижтимоий тармоқлардаги шахсий саҳифаларида ўз фаолияти ҳақида сайловчиларни хабардор этиш баробарида, жамият ҳаётига оид долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан фаол мулоқот олиб бормоқда.

Бу эса, бир томондан, парламент ишида очиқликни таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, депутатларнинг сайловчилар ва халқимиз олдидаги ҳисобдорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

### Прагматик ташқи сиёсат — миллий манфаатлар устуворлиги ифодаси

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси доирасида хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ҳамда самарали алоқалар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси билан кенг кўламли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу эса кенг доирадаги масалалар бўйича самарали шериклик борасида қўшимча имкониятлар эшигини очмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Туркия, Тожикистон, Малайзия, Грузия, Сингапур ва Миср парламентлари раҳбарларининг Қонунчилик палатасига ташрифи амалга оширилди. Учрашувларда парламентлараро алоқаларни кенгайтириш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Парламентлар раҳбарлари даражасида ўтказилган бундай амалий мулоқотлар ўзаро алоқаларни янада жонлантириш ва янгича мазмун билан бойитиш имконини бермоқда. Хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларимизни янада ривожлантиришда парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ўзига хос институтга айланди.

Олий Мажлисда 2015 — 2019 йилларда **28 та** парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолият олиб борган бўлса, ҳозир жами **57 та** хорижий давлат парламенти ҳамда Европа Иттифоқи парламенти билан парламентлараро гуруҳлар фаолият юритмоқда. Жумладан, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси билан Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши, шунингдек, Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат Думаси ва Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши билан парламентлараро комиссиялар тузилди.

Умуман, миллий парламентимизнинг нуфузли халқаро парламентлараро бирлашмалардаги иштирокини янада кенгайтириш, бунда мамлакатимиз манфаатларини фаол илгари суриш ҳамда амалий натижадорлик нуқтаи назаридан ёндашиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий тадбир — вакиллик органларига ўтказилаётган навбатдаги сайлов жараёни муҳим паллага кириб бормоқда. Янги таҳрирдаги Конституция талаблари асосида ташкил этилаётган бу галги сайлов ҳам миллий қонунчилигимиз қоидаларига, халқаро нормалар ва стандартларга мос ҳолда, очиқ ва ошкора, соғлом рақобат муҳитида ўтиб, юртимиздаги демократик давлатчиликнинг ёрқин намунаси бўлиши, шубҳасиз.

Ишонамизки, Президентимиз ташаббуси ва халқимиз хоҳиш-иродаси билан белгилаб олинган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги стратегик йўли эртага бугундан ҳам ёрқинроқ самара беради ва бу халқимиз ҳаёти фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиётида намоён бўлади. Депутатлар корпуси эса ушбу ислоҳотларнинг том маънодаги ташаббускори, ижрочиси, фаол иштирокчиси бўлиш учун бор салоҳиятини ишга солган ҳолда ўз фаолиятини такомиллаштириб бораверади.

**Шу йил 8 — 10 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳри дунёдаги иккита йирик тўқимачилик ассоциациясининг биринчи қўшма конференциясига мезбонлик қилади.**

# ҲАМЮРТИМИЗ ПАРАЛИМПИАДА РЕКОРДЧИСИ ВА ЧЕМПИОНИГА АЙЛАНДИ



***Париж шаҳрида ўтказилаётган Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз томонидан дастлабки медаллар шодаси қўлга киритилди. Хусусан, куннинг асосий ютуғига енгил атлетикачимиз Асила Мирзаёрова эришди. У узунликка сакраш баҳсларида 5.24 метр натижани қайд этди ва барча рақибидан ўзиб, паралимпиячиларимиз ҳисобига дастлабки олтин медални тухфа қилди. Қувонарлиси, у бу натижа билан қарийб 30 йилдан бери ўзгармай келаётган Паралимпия рекордини янгилаш бахтига муяссар бўлди.***

**ХУШХАБАР**







Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Муслима Одилова бронза медални қўлга киритди. 100 метрга баттерфлей усулида сузиш дастурида “S13” классида иштирок этган ҳамюртимиз маррага учинчи бўлиб етиб келди.

Пара таэквондочимиз Зиёдахон Исоқова эса 47 килограммгача вазн тоифасида кечган муросасиз финал баҳсида перулик рақиби Леонардо Каррансага имкониятни бой берди ва унга кумуш медаль насиб этди.

Енгил атлетикага кирувчи ядро улоқтириш баҳсларида яна бир спортчимиз Кубаро Ҳакимова ҳам “F41” классида кечган беллашувда 10.36 метр натижа кўрсатиб, делегациямиз ҳисобига яна бир медални тақдим қилди.

Ушбу ғалабалардан сўнг делегациямиз ҳисобидаги медаллар сони 1 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронзани ташкил қилмоқда. Дастлабки кун натижалари бўйича юртимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида 6-ўринни банд этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# «САМАРҚАНДИМ»

***Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги арафасида Самарқанд давлат университети муассислигида “Самарқандим” журнали нашр қилина бошланди.***

**ЯНГИ НАШР**




Ушбу ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, тарихий, оммабоп журнал кўҳна ва ҳамиша навқирон кентнинг шонли тарихини, бугунги қизғин ҳаётини, бу заминда туғилган, яшаган, фаолият кўрсатган инсонларнинг умр дафтарини ёритиш ҳамда кенг тарғиб этишни мақсад қилган.

Самарқанд — Ер юзининг сайқали, дея таърифланиши бежиз эмас. Ушбу муаззам шаҳар, Президентимиз таъбири билан айтганда, миллий давлатчилигимиз ва умуман, жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўринга эга. Ушбу боқий шаҳар тарихимиздаги иккала Ренессанс даврининг юзага келиши ва ривожида муҳим роль ўйнаган. Бу ернинг ҳар сиқим тупроғи, ҳар бир ғишти, ҳавоси, ҳар гиёҳида сир-синоатлар яширин. Улар ҳақида ривоятлар, афсоналар оғиздан-оғизга кўчиб юради. Шу боис дунёда Самарқанд хаёли билан яшаётган, жаннатмонанд бу гўшани зиёрат этишни, умрида бир бор кўришни орзу қиладиган инсонлар сон-саноқсиз.

Президентимиз томонидан амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли бугун мазкур тарихий шаҳар ўз буюклиги, бор таровати, гўзаллиги билан жаҳонга қайта очилди. Бу ерга дунёнинг турли гўшаларидан туристлар эмин-эркин келиб кетадиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанд тобора чирой очиб, турли халқаро тадбирлар, форум ва анжуманлар ўтказиладиган, умуминсоний ғоялар, дўстлик, тинчлик-тотувлик, тараққиёт масалалари муҳокама қилинадиган қулай масканга айланди. Халқаро сиёсатчилар, экспертлар тилида “Самарқанд руҳи” деган тушунча пайдо бўлди.

Журнал жамоаси ана шу янгиланишлар, бунёдкорликлар, азим кент ҳаёти ва унинг атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, сирларга тўла тарихий жараёнларни бахоли қудрат ўқувчиларга етказиш, содда тил ва самимий руҳда таҳлил ҳамда талқин қилиб бериш ниятида.

Журналнинг нишона сонидан жой олган Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов, Самарқанд давлат университети ректори, лойиҳа раҳбари Рустам Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, география фанлари доктори, профессор Лапас Алибеков, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов ва бошқа муаллифларнинг қатор мақолалари, Нобель мукофоти соҳиби Азиз Санжар, АҚШнинг Техас университети профессори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Анвар Зоҳидов, Туркиянинг TUBITAK фонди президенти Ҳасан Мандал, АҚШнинг Калифорния университети профессори, Молекуляр вирусология лабораторияси директори Шароф Тугизовнинг дил сўзлари ҳамда эътирофларини ўқиб, англайсизки, жамоа эзгу мақсад йўлида дадил қадамларни ташлаяпти.

Биз таҳририят жамоасига ана шу масъулиятли, залварли ва шарафли йўлда қатъий, илдам одимлайверишини тилаймиз.

**«Халқ сўзи».**

# Жиззахда «BMB Agro Plus» корхонаси очилди

*Серқуёш заминимизда етиштирилган мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари нафақат юртимиз, балки МДҲ ва Европа мамлакатларида ҳам ўз ўрнига эга. Шу жиҳатдан олиб қаралганда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири саналади.*

## Ишлаб чиқариш



Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида озиқ-овқат ва мева-сабзавот кластерларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан замонавий технологиялар асосида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, уларни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш, сақлаш ва сотиш (экспорт) жараёнларини кенг татбиқ этиш мақсадида “BMB Agro Plus” корхонаси ишга туширилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки кредит маблағлари асосида умумий қиймати 34,6 миллион доллар бўлган лойиҳа “BMB HOLDING” компанияси томонидан амалга оширилди.

Мустақиллик байрами арафасида “BMB Agro Plus” корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ва туман фаоллари, нуронийлар, депутатлар, тадбиркорлар, инвесторлар, ОАВ ходимлари қатнашди.

Очилиш маросимида “BMB HOLDING” Кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқулов сўзга чиқиб 400 дан ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган янги корхонанинг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг рамзий алвон тасма қирқилиб, меҳмонлар корхонада яратилган шароитлар ва иш жараёнлари билан танишди.

“BMB Agro Plus” корхонасига Бельгия, Австрия, Италия, Туркия ва Хитой давлатларининг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилган бўлиб, йилига 40 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта тайёрлаш имконини беради. Хусусан, йилига 21 минг тонна маҳсулот бирламчи қайта ишланади, маҳсулотларни қуритиш натижасида 12,5 минг тонна ва 5 минг турдаги хомашё тайёрланади. Шунингдек, 50 минг тонна дуккакли маҳсулотлар сараланиб, 1,5 минг тонна маҳсулот шок ва акустика усулида музлатилиши режалаштирилган.

Лойиҳа икки босқичдан иборат бўлиб, мева-сабзавотларни бирламчи чуқур қайта ишлаш, хусусан, мураббо, консерва, пюре ва паста каби биринчи босқичдан ўтган маҳсулотларни қуритиш амалга оширилади. Иккинчи босқичда эса сублимацион усулда қуритиш линияси, шок ва акустика усулида музлатиш жараёнларини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

**Саид ДОНИШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА




**Ўзбек Миллий академик драма театри ва Венгрия миллий театри ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6